

HUQUQ

03

(370)

YURIDIK GAZETA

Yanvar

D.	31	3	10	17	24
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

RESPUBLIKA BOSH PROKURATURASIDA



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASIGA ХИЗМАТ ҚИЛАМАН

Ўтган жума кuni Республика Бoш прокуратураси мажлислар залида Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан алоҳида ўрнатилган кўрсатгани учун тақдирланган бир гуруҳ прокуратура ходимларига давлат мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бoш прокурори, биринчи даражали Давлат адлия маслаҳатчиси Рашидjon Қодиров йўғилишини очар экан, мустақиллик йилларида 150 дан ошди прокуратура ходимларининг фидойи меҳнатлари учун ҳукуматимиз ордено-медаллари ва юксак ун-

вонларига сазовор бўлгани соҳа ходимларига билдирилган юксак ишонч эканлигини алоҳида таъкидлади.

Мукофотланганлардан Юнус Муталиев ва Ёркул Сафаровлар сўзга чиқиб, бу ишончга фидойи меҳнатлари билан жавоб беражакларини изҳор этишди.

Ўз мухбиримиз.

Суратда: Мукофотланганларни тақдирлаш маросимидан сўнг.

А.ТЎРАЕВ олган сурат

BU HAQDA HAY'AT MAJLISIDA GAPIRILGAN EDI

УМИДИМ КАТТА

Кўшкўпир туман прокурори Рустам Каримов билан суҳбат

— Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Мавжуд ширкат ҳўжаликлари негизида фермер ҳўжаликлари ташкил қилиниб, ерлар тадбиркор ва ишбилармон кишиларга ижарага ажратиб берилаётгани фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Айтишг-чи, Кўшкўпир туманида фермерчиликни ривожлантиришга ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қай даражада ҳисса қўшапти?

— Кўшкўпир — Хоразмнинг ўзига хос географик бирликка эга бўлган йирик тумани ҳисобланади. 2004 йилнинг 1 октябригача бўлган маълумотга кўра, туманда 961 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич 2005 йилда 3-4 баравар ортиши мумкин. Чунки айни кунларда ширкат ҳўжаликлари негизида фермер ҳўжаликлари ташкил топмоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг қонунда руҳсат берилган тадбиркорликнинг ҳар қандай шакли билан шуғулланиши учун кенг имконият очиб берилган. Ижарага ер олиб, юртимиз фаровонлигига ҳисса қўшмоқчи бўлган фуқаролар бемалол ўз ҳўқуқ ва бурчларидан фойдаланиши мумкин. Фермер ҳўжаликлари ташкил қилинган, уни дастлабки сармоя билан шакллантириш учун туман банклари томонидан кам фоизли кредитлар тақсимланиши ҳокимият ва бошқа тегишли маҳкамалар томонидан назорат қилиб борилмоқда. Шунингдек аски ширкат ҳўжаликлари балансида бўлган техникаларни фермерлар имтиёзли равишда ким ошди савдоси орқали сотиб олишига имкониятлар яратилган.

Прокуратура — қонунлар ижроси устидан назорат қилувчи идора ҳисобланар экан, аввало, унинг вазифаси давлат ва халқ манфаатини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу боис фермер ёхуд тадбиркорларнинг самарали меҳнат қилиши учун уларнинг устидан ҳар хил маҳкамаларнинг ноқонуний текширувлар ўтказилишига йўл қўймастикка ҳаракат қиламиз. Деҳқон-фермер замин одамидир. У вақтини ер билан тиллашмоққа сарфлаши керак. Агар деҳқон ҳар хил текшир-текширлардан асаби бузилиб, вақтини бой бериб, бир кун бўлса ҳам ер билан тиллаша олмадими, бас, пировардида она-ердан кўзланган неъматни кутиш бефойда. Буни чўқур хис қилган туман прокуратураси айрим маҳкама ва ташкилотлар томонидан миришкор-фермерларнинг қонуний манфаатига зид муносабатлар бўлмаслиги учун доимий равишда ишловчи ишонч телефони ташкил қилинган.

(Давоми 2-бетда).

ANJUMAN



Қаловини топиб ёзиш керак

Дунёда ҳеч бир давлат йўқки, тараққиётга суд-ҳўқуқ ислоҳотини амалга оширмасдан эришган бўлса. Шу маънода Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳалари қатори суд-ҳўқуқ тизимини ҳам қамраб, демократик ҳўқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Истиқлол йиллари прокуратура соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Хусусан, 1992 йили «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши унинг ҳўқуқий мақомини янада мустаҳкамлаган бўлса, 2001 йили қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши прокуратуранинг мустақил, мамлакатда қонунларнинг бир меъёрида ишлашини назорат қилувчи алоҳида орган эканини тасдиқлади. Маълумки, собиқ СССР даврида прокуратура ни халқ қораловчи, жазоловчи орган сифатида билар эди. Ўтган давр мобайнида бу тасаввурни анча ўзгартиришга эришилди. Бунда прокуратура ва халқ ўртасида кўприк вазифасини бажарган ОАВнинг хизмати беқийс.

(Давоми 3-бетда).

XUSHABAR

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 12 январдаги «Ватан ҳимоячилари кuni» муносабати билан ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига биноан мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидаги прокуратура ходимлари Ватанимизнинг юксак нишони «Шўҳрат» медаллари билан тақдирландилар:

МУТАЛИЕВ Юнус Маматкаримович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлими катта ҳарбий прокурори

САФАРОВ Ёркул Халилович — Термиз ҳарбий прокурори

Моҳият

Эркинликсиз
ватаннинг,
фазилатларсиз
эркинликнинг,
фуқароларсиз
фазилатларнинг
бўлиши
мумкин эмас.

Жан-Жак РУССО

Қурбон ҳайитингиз
муборак бўлсин, азиз юртдошлар!
Хонадонингизга қут-барака,
оилангизга тинчлик-тотувлик ва
суҳбат-саломатлик
тилаймиз!

СВОЖКК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ Чуст туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бўлими ходимлари «Фовасой» ширкат ҳўжалигида ўтказган текширувда ҳўжалик раиси Раҳмонов Сайнасимон ва бош ҳисобчи Саримсоков Баҳромлар мансаб ваколатини суистеъмол қилгани аниқланган. Яъни улар жиний тўл бириктириб, 2004 йили ҳўжалигининг 3,75 гектар ерига картошка экиб, 3.144.000 сўмлик 39,3 тонна картошка етказиб бериш ўрнига, фуқаролар М.Рохталиевга 2 га, 3. Мирзатиллаевга 1 га, 3. Тўражоновга 0,5 га, И. Йўлдошевга 0,25 га ерни ҳеч қандай ҳўжатсиз 450.000 сўмга сотиб юборишган.

Бундан ташқари С.Раҳмонов вазирасига совуқонлик билан қараб, 2000 йил декабр ойида вақтинча фойдаланиш учун «Варзик» ширкат ҳўжалигига бериб юборилган «Т-4» тракторини ва 2003 йил декабр ойида «Машъал» ширкат ҳўжалигига бериб юборилган «ДТ-75» тракторини ўз вақтида «Фовасой» ширкат ҳўжалигига қайтариш чорасини қўрмаган. Натияжада тракторларнинг эҳтиёт қисмлари талон-тарож қилиниб, ҳўжаликка жами 3.829.900 сўмлик зарар етказилган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК ва вилот ДСБ ходимлари ҳамкорликда «Пилла» акционерлик бирлашмасида ўтказган текширувда бириктирилган собиқ раҳбари Рустам Шичонов, собиқ бош ҳисобчи Абдухалил Ражабалиев ва бошқа мансабдорлар 2001 — 2003 йиллар давомида Фарғона шаҳар ДСИга топширган ҳисоботида 976.567.000 сўмлик товар айланмасини умуман қўрсатмай, бюджетга тўланиши лозим бўлган 103.972.910 сўмлик солиқни тўлашдан буйин толаб келганлиги аниқланган.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ Мирзачўл туман прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бўлими ходимлари туман «Ватанпарвар» ташкилот қошидаги «Техник мутахассислар тайёрлаш мактаби»да ўтказган текширувда қорхона мансабдорлари 2003 — 2004 йиллари қорхона хазинасига кириш қилинган 837.300 сўм нақд пулни банкка топширмаганлиги аниқланган. Шунингдек, улар 10 кишидан олинган 678.000 сўм пулни ўзлаштириб, «Ватанпарвар» ташкилотда ўқимаган 19 нафар фуқарога ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун ноқонуний равишда ҳўжатларини расмийлаштириб беришган.

ТЕРМИЗ ШАҲАР прокуратураси ҳузурдаги СВОЖКК бўлими ва ДСИ ходимлари ҳамкорликда «Пахта-банк»нинг Термиз шаҳар бўлимида ўтказган текширувда банк бошқарувчиси Сайдулла Жўраев ва ҳисобчи Шавкат Шомуродов жиний тўл бириктириб, «Термизматлуботсавдо» МЧЖнинг 2004 йилнинг июлавгуст ойларида бюджет ва бошқа тўловлардан 33.894.000 сўм қарзи борлиги ҳақида шаҳар ДСининг инкасса тўлов топшириги бўлишига қарамай, жамият ҳисоб рақамига келиб тушган 22.035.500 сўм пулни МЧЖнинг қарзини қоплаш учун бюджетга ўтказмай, махсулот олиш учун ўтказиб берганлиги аниқланган. Шунингдек, банк мижози бўлган «Биохимсервис» шўба қорхонасининг бюджет ва бошқа тўловлардан 16.791.000 сўм қарзи борлиги ҳақида шаҳар ДСининг инкасса тўлов топшириги бўлишига қарамай, қорхона ҳисобига келиб тушган 4.704.700 сўм пулнинг 4.547.000 сўминини унинг қарзини қоплаш учун бюджетга ўтказмай, бошқа ҳаражатлар учун ўтказиб юборган.

Юқоридаги барча ҳолатлар юзасидан Жиний тегишли моддалар буйича жиноят иши қўзғатилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).
— *Рустам ака, фермер ҳўжалиги ташкил қилишини ерни шахсий мулк қилиб олиш дея тушунаётган айрим шахслар ҳам йўқ эмас. Бунга муносабатингиз?*

— Тўғри айтдингиз. Ерни ижарага олган фермер, аввало, ширкат ҳўжалигини айроча қишлоқ ҳўжалиги инфраструктураси — яъни фермер ҳўжалиklarининг афзаллик жиҳатларини чуқур англаб етиши керак. Бозорларимизни арзон, сифатли ва рақобатдosh махсулотлар билан таъминлашга ҳаракат қилиши зарур. Қолаверса, қишлоқ ҳўжалик махсулотини қайта ишлаб, керак бўлса халқаро бозорда аранасини яратиб билиши лозим. Агар аксинча бўлиб, фермер ерга ўзбилармонлиги билан муносабатда бўлса — бундан ёмони йўқ.

Туман прокуратураси томонидан «Қишлоқ ҳўжалигини ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Фармони ижроси

юзасидан ўтказилган текширишда айрим фермерлар томонидан таллайгина қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, туманимизнинг «Ўртаёб» қишлоқ

УМИДИМ КАТТА

Қўшқўпир туман прокурори Рустам Каримов билан суҳбат

лоғидаги «Гавжум» фермер ҳўжалиги бундан тўрт йил муқаддам ташкил тогган эди. 18,5 гектар ер майдонига эга. Мазкур фермер ҳўжалиги 2004 йил ҳўсали учун «Хоразмдонмаҳсулотлари» акционерлик жамияти билан 3,2 тонна бугдой етиштириб бериш учун шартнома тузган. Бироқ шартномада қўрсатилган давлат буюртмаси бажарилмаган. Дегарли 3 йилдан буён пахта етиштириш режаси амалланмаган. Кенгаз қишлоғидаги «ХХ аср», «ШХ» қишлоғидаги «Матёқуб Саид» каби фермер ҳўжалиklари борасида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин. Шунингдек «ШХ Ота», «Осиё юлдузи», «Р. Ёқубов», «Саид арқон» номли фермер ҳўжалиklарида ерга ишлов бериш, маҳаллий ўғит билан

озиклантиришга жиддий эътибор берилмагани бос ердан қўзланган ҳўсали олинмасдан келинаёттир. Айрим боқибегам фермерлар экиш ишларида сусткашликка йўл қўйганлиги бос ерлар тобдан чиқиб, уруғ ўз вақтида униб чиқмаган. Оқибатда режа уддаланмаган. Баъзи фермерлар шартномада қўрсатилмаган экинлар экишга ҳаракат қилгани аниқланиб, бундай салбий ҳолатлар давом этишининг олди олинди.

— *Янги 2005 йилдан умидларингиз?*

— Умидлар катта. Янги ташкил қилинаётган фермер ҳўжалиklарига ўқимишли ёшлар бош бўлса. Саводли одам омадли бўлади. Қолаверса, ўзини маърифатлиман деган киши қонунга ҳўрмат билан муносабатда бўлади. Илоҳим, янги йилда фермерларимиз қонун, ҳўқуқ ва бурч тушуналариини ҳаммаша чуқур ҳис қилиб, ерга яхши муносабатда бўлишсин.

Эрпўлат БАХТ суҳбатлашди

MUNOSABAT

ХАЛҚ ИШОНЧИ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ

Жумладан, демократиянинг асосий тамойилларидан бўлган сайлов қонунчилиги янгича қўриниш олди. Халқимизнинг сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятнинг бошқаришда иштирок этишининг ҳўқуқий асослари ва меҳанизмлари тақомиллаштириб борилди. Сайловларга ёндашувда туб ўзгаришлар юз берди. Ёш, шунинг баробарида дадил ва собитқадам ўзбек давлатининг сайлов қонунчилигида халқаро меъёрлар тўла аксини топди. Сайловлар демократиянинг ўзаига айлиниб улгурди. Мазкур йўналишда айниқса, сўнгги йилларда улкан ишлар амалга оширилди. Буни яқинда мамлакатимизда Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар миқсолида ҳам қўришимиз мумкин. Эркинлик, ошқоралик, адолат-

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда миллий давлатчилигимизнинг мустақамланиши ва демократик аънаналарнинг ривожланиши даври бўлди. Барча соҳалар каби давлатчилик ва қонунчилик тизимида ҳам ислохотлар жараёни кетмоқда. Демократик тамойиллар устуворлик касб эта бошлади.

лик, масъуллиқ принциплари асосида бўлиб ўтган сайлов умум-эътироф этилган меъёрларга жавоб берганига барчамиз гувоҳимиз.

Халқимиз бугун «икки палатали парламент», «қонунчилик палатаси», «сенат» каби тушунчалар моҳиятини ўзлаштириб олди. Ана шу тушунчаларнинг юртимиз эртаси учун нақадар муҳимлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бу ҳам жамиятимизда ҳўқуқий, сиёсий маданиятнинг шаклланиб бораётганидан далолатдир.

Ватанимиз эртаси бундан ҳам порлоқ, ҳаётимиз янада фаровон бўлишига ишонган фуқаролар зўр умид билан ўзлари муносиб қўрган номзодларга овоз бериш-

ди. Табиийки, парламентга, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатларга бу улкан масъулият оқлайди. Шаклланиши яқунлаётган янги парламентдан халқимизнинг умидлари катта. Умид қиламиз, янги, икки палатали парламент халқимиз ишончини оқлайди ва Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлигига хизмат қиладиган мукаммал қонунлар ишлаб чиқиш билан миллий мафкураимизнинг ўзаги бўлган «Ўзбекистон келажак буюк давлат» фоясининг амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Хайрулла АХАТОВ, Республика Бош прокуратураси катта терговчиси

MING BIR FIRIB

Тўхтасин Алижонов 1985 йилда ишлаб чиқарилган «Рено-85» маркали автомобилни 1995 йили тошкентлик Л.Топиловадан сотиб олиб, ўз номига расмийлаштирган эди. Машина «ўн ёшга кирган бўлса-да, беишқал дастёр вазирасини ўтаётганиди. Бироқ... Фалокат оёқ остида деганларидай, 1999 йилнинг охиригиде Т.Алижоновнинг ўғли Фаррух Кувазов йўлида машинани бошқаролмай қолди. Катта тезликда йўлдан чиқиб кетиб, ағдарилиб, тутта урилди. Мажақланган машинани кўрган киши ичига бериш омон қолмагандир деб ўйлаш табиий эди. Аммо, худо асраб, Фаррух омон қолди. Машина кузовини элақага келтиришга эса бирон-бир устанинг юраги дов бермади. Энг тажрибали усталар ҳам «буни энди металломга топширасиз» дейишдан нарига ўтишмади.

Янгиланган «РЕНО»нинг сири

Орадан бир йил ўтиб-ўтмай Тўхтасин Алижонов яна шу марказда, бироқ ранги қора машинани миниб юрганини қўрган таниш-билишлар, «янги ми муборак бўлсин» деб қўтлашганида, у камтарлик билан, «ўша, тузатиб қоррага буюрттирдим» деб қўлди. Мажақланган кузовни қўрганларга бу бир мўжиза эди. Устанининг отасига раҳмат дейишарди улар. Икки киши билан сир сир эмас деганларидай, белос «қайта турилган» «Рено»нинг сири очилиб қўлди.

«Ким қўлиб қўйди экан?». Терговчи ҳузурдан чиққан Тўхтасин ака ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Фаррух ҳеч кимга оғиз очганим йўқ деб оёғини тираб олди. Демак, ўша машинани сотганлар тилидан тутилган. Тўхтасин ака машинани элақага келтириб бўлмаслигига

қўзи етгач, бошқасини сотиб олиш мақсадида бозорларни кўриб юрди.

Французларнинг машинасига диққат сотетгани учунми, 2000 йилнинг охиригиде Қўзон бозориде айнан ўшандай, бироқ қора, 1990 йили ишлаб чиқарилган «Рено-25» маркали машина савдосининг устидан чиқиб қўлди. Суриштирса, машинани Баҳодир Ҳожиматов эшигит Латвиядан миниб келибди. У Латвия фуқароси Раймондо Риткаускасга тегишли экан. Ўзбекистонга вақтинча мuddатга кириб келган машинани боҳжона ҳўжатларисиз сотиб олишга ҳар кимнинг ҳам юраги дов беравермади. Боҳжона тўловлар ҳам оз эмас. Эшагидан тушови қимматга тушади. Шу ерда Тўхтасин аканинг ҳаёлида зўр режа туғилди. «Ўзимнинг машинанинг рангини қоррага буюрттирдим деб миниб

юравераман. Эски машинанинг номерини қўйиб оламан».

Шу ҳаёлда Т.Алижонов GKU 535 номерли автомобилни 1.620.000 сўмга сотиб олади. Ҳазор келишиб, олди-сотди шартномаси тузишдан воз кечиши. «Ўзим тўриглаб оламан», — деди Т.Алижонов сотувчи Б.Ҳожиматовни хотиржам қилиб. Машинани Қўзондан уйига — Фарғонага ҳайдаб келгач, вилот ИИБ ЙХБда навбатчи ёрдამчи лавозимда ишловчи эски таниши Эркин Йўлдошевга учради. Мажақланган машинанининг ҳўжатларини янги олган машинанига ўтказдириб беришни илтимос қилди.

2001 йил феврал ойида Эркин Тўхтасин аканинг уйига меҳмон бўлиб борди. Меҳмондорчиликдан сўнг янги машинанинг ҳўжатларини олиб, миниб кетди. Меҳмон меҳмонга «хизмат ҳақи»нинг ярмини —

HAROMDAN HAZAR

Сайфиддин Мирзаев самарқандлик. Аммо унинг Навоий ва Бухорода ҳам танишлари қўп. С.Мирзаев «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акционерлик компаниясига Бухоро электр билан таъминлаш станциясига қарашли Навоий бўлимида бошлиқ лавозимда ишлайди. Уни жамоадагилар ҳалол, меҳнатсевар киши сифатида ҳўрмат қилишарди. Бироқ, унинг мансабини сунистеъмол қилиб, расмий ҳўжатни қалбақлаштириганини эшитгач, у қандай қандай фикр билдиришлари биз учун маъхум.

«ЧИҚИМ» — Чўнтакка кириш

Одамзот аксарият ҳолларда фойдани қўзлаб ҳатога йўл қўйди ҳўжиятга қўл уради. Лекин вақти келганда пушаймондан фойда бўлмайди.

С.Мирзаев 2003 йил 3 июн кўни 234-талабнома орқали Бухоро электр билан таъминлаш қорхонасига оморборчиси Т.Иброҳимовдан хар бирининг баҳоси 144.860 сўмлик 4 донда 240x508 ўлчамдаги автошиналарни олди. У бу шиналарни Навоий бўлимининг Қоракатта участкаси тракторчиси Нуржан Қобеевга ТТЗ-80 маркали трактор трицепига ўрнатиш учун бериши керак эди. Аини шу ҳойда С.Мирзаевнинг фикри ўзгарди. Шиналарни Н.Қобеевга бермади. «Ким ҳам суриштириб ўтирибди. Буларни ҳисобдан қайтариб...» Шиналарни ноқонуний равишда ҳисобдан чиқариб, 2003 йил 19 июн кўни далолатнома ҳам тузди. Унга қорхона автомакеаниги Омонулла Тилавов, электр механиги Сундет Аханов ва тракторчи Нуржан Қобеевлар ўрнига имзо қўйиб қўя қолди. Бу билан ЖКнинг 228-моддаси 1-қисмида қўрсатилган жинийтани содир қилди. Шиналарни эса нотаниш кишиларга 200.000 сўмга сотиб юборди.

2004 йилнинг апрел ойида С.Мирзаев мансабидан шахсий манфаати йўлида яна фойдаланди. 200.000 сўмлик 10 метр АСБ 3х95 маркали кабелни «Навоий» ва «Тинчлик» бекатлари орасидаги юқори қучланишда электр узатиш линиясига ўрнатилди деб чиқим қилиб юборди.

Қорхонанинг 779.440 сўмлик мулкани талон-тарож қилган С.Мирзаевга суд тегишли жазо тайинлади.

Азизбек МАХМУДОВ, Бухоро транспорт прокуратурасининг ёрдამчиси

200.000 сўмини тутқазди. «Қолганини техпаспорт қўлига текканде оласиз», — деди. Э.Йўлдошев хизмат ваколатидан фойдаланиб, ҳам-қабларининг ҳам қўзларини шамгалат қилиб, гўё 1985 йилда ишлаб чиқарилган «бежевои» рангли «Рено-25» машинани қора рангга бўялгани ҳақидаги маълумотни техпаспортга ёздирди. Уста йигитлар-

ни топиб автомобилнинг қузов ва двигател рақамларини кўчиртириб, ўрнига мажақланган машинанинг қузов ва двигател рақамларини ўхшатиб ёздирди. Янги олган машина ҳўжатларини йўқ қилди.

«Қайта турилган» автомобилнинг қалитини олаётиб, Т.Алижонов Э.Йўлдошевга «хизмат ҳақининг» қолган қисминини тутқазди.

Шу тариқа 400.000 сўм пора эвазига қалбаки ҳўжатлар тайёрлаб, бож тўлашдан буйин товланган, мажақланган машинанини «янгилаб» олган Т.Алижонов суднинг қора курсисига ўтқазилди. Суд унга тегишли жазо тайинлади.

Авалкор вафот этган Э.Йўлдошев жазодан қутулиб қолди. И.МИРЗААЛИЕВ, Фарғона вилот прокуратураси катта терговчиси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ўтган жума куни мамлакат Бош прокуратурасида «Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларни тарғиб қилишда прокуратура органлари ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболи» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Анжумани Бош прокуратуранинг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази директори Эркин Абзалов очар экан, жумладан, шундай деди:

— Мустақилликнинг илк даврида-ноқ Бош прокуратура фаолиятига ошкоралик бериш мақсадида ОАВ билан ҳамкорликни бошлаган эдик. Ўтган давр мобайнида мақсадга эришдик деб бемалол айтишимиз мумкин. Ҳамкорликни бундан кейин ҳам ривожлантириш ниятидамиз.

Семинарға таклиф этилган мухбир журналистлар, олим ва ҳуқуқшунослар суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг ОАВда ёритилиши, ютуқ ва камчиликлар ҳақида мулоҳазаларини билдиришди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари:

— Бундай семинарлар ҳар жиҳатдан самаралидир. Чунки семинарлар қанча кўп ташкил этилса, шунча кўп гаплашилади, муаммолар ўртага ташланиб, уларни бартараф этиш йўллари юзага келади. Биз матбуот ходимларини, умуман ОАВни тўртинчи ҳокимият дейимиз. Аслида ҳам улар тўртинчи ҳокимиятми? Уларнинг вазифаси, ҳокимиятлар ўртасида тугган мавқеи қандай?

Амалда бўлган ўрта ҳокимият ҳаммамизга маълум. Лекин тўртинчи ҳокимиятнинг ўрни унчалик кўзга ташланмаётгандек. Шунга эътироф этиш керакки, бирон-бир жамият тўртинчи ҳокимиятсиз ривожланолмайдми, эркинлашмайдми.

Журналист муаммо изласа ҳар қандай соҳада топиши мумкин. Лекин уни матбуотда ёритишда ҳам меъёр, ҳолислик бўлиши керак. Масалан, журналист суриштирувини олиб кўрайлик. Журналист олдига келган аризаچининг шикоятини эшитиб, ҳиссиётга берилган ҳолда мақола ёзиб кетаверса, ҳолислик қаерга кетади? Ким бировнинг устидан шикоят қилиб келганда ўзининг тарихча бўлса-да айбини айтган? Шунинг учун журналист материал тайёрлаётганда икки томоннинг ҳам фикрини эшитиши, масалага ҳолисона ёндашиши, «қаловини топиб» ёзиши керак.

Бобоқул ТОШЕВ, юридик фанлари номзоди:

— Ҳозир республикамизда 600 дан ортқ газета ва 170 дан ортқ журнал рўйхатга олинган. Уларнинг ОАВ сифатидаги мақоми, фаолияти ўрганилганда кўпчилик нашрларда камчиликлар борлиги аниқланди. Масалан, тахририят ва муассис ма-



Қаловини топиб ёзиш керак

қоми, тахририят ва чет муаллифлар ўртасидаги мақом ҳалигача муаммо бўлиб турибди. Кўпгина газеталар истеъмолчилар олдидидаги мулкий мажбуриятини тўлиқ бажаришмаган. Бир йилда 52 марта чиқмаган, газета саҳифаларининг 40 фоизини рекламага ажратиш ўрнига, 50-60 фоизига реклама бериб юборган.

ОАВ кўтлуг минбар. У ерда бирон сўз айтишдан олдин жиддий ўйлаб, мулоҳаза қилиш лозим. Бирон хато

ти белгиланмаган. Бу эса демократик тамойилларнинг ривожланишига тўсиқ бўлади. Конституциянинг 113-моддасига асосан қонунда кўрсатилган ҳолатлардан ташқари судда ишлар ошқара юритилади, демак журналистлар ҳар қандай суд жараёнида иштирок этиши мумкин.

рахмат билан, Иброҳим Фафуров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Исмаи Худоев, Абдуҳалиқ Абдураззоқовдек ёзувчи-мунаққидлар билан бўлган суҳбатлар сермазмун кунларимиздан ёрқин хотира бўлиб қолади.

Ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмас. Лекин мен учун бир ҳафталик семинарнинг ҳар бир куни байрамдек ўтди. Айниқса Олий Мажлис, «Шахидлар хотираси», «Темурийлар тарихи», «Ўзбекистон тарихи» музейлари, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси билан танишганимдан бахтиёрман. Ўзбекистон телерадиокомпаниясида хизмат қилаётган журналистлар билан учрашувни ҳеч қачон унутмайман. Чунки ҳаётимдаги баъзи муаммолар, айниқса Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси депутатлигига номзодим қўйилиб, сайловдаги ноҳолислик туфайли ютқазимни мени анча руҳий тушқунликка туширган эди. Анжуман мени шу азоблардан анча йироқлаштирди. Яна ижодга чорлади.

Келгуси йилларда ҳам шундай тадбирлар ўтказилса кўпгина журналистлар учун айна мудоа бўлар-

да ишлаётган журналистларнинг масъулияти жуда катта. Бир ҳафталик ўқиш мобайнида шу хулосага келдим. Биз инсон ҳақида ёзамиз. Шундай экан, у ким бўлмасин, шаънига теғмаслигимиз, кўпроқ масаланинг асил сабабини ёритишга интилишимиз керак.

Суд-ҳуқуқ ислохоти амалга оширилаяпти. Ислохотнинг моҳиятини халққа етказиш ҳам матбуот зиммасидаги вазифалардан бири. Аммо вазифа кўнгилдагидек бажарилаяпти деб бўлмайди. Демак, ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган журналистларнинг малакаси етарли эмас. Семинар ана шу муаммони бартараф этишга хизмат қилади деб ўйлайман.

Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА, «Qonun va burch» газетаси муҳаррири:

— Назаримда, бундай семинарлар журналистнинг қаламини чархлайди. Прокуратура ва матбуот ходимларининг ҳамкорлиги мустаҳкамланишига хизмат қилади. Муассис билан тахририят ва мақсадни кўзласагина муваффақиятга эришиши мумкин. Шахсан менга Светлана Ортиқова, Рамазон Пўлатов ва



ўтса, муаллиф судга тушиб, жарима тўлаб, айбини тан олиши мумкин. Лекин бу билан ҳаммаси жойига тушиб қолмайди. Негаки, бунгача бирон-бир фўқаро ёки ташкилотнинг шаъни оёғости қилиниб бўлган бўлади. Шунинг учун журналист материал тайёрлаётганда сенсация қиламан деб ноҳуш ҳолатга тушиб қолмасдан, ёзаётган мавзусини пухта ўрганиши лозим.

Олимжон ЎСАРОВ, Республика Олий судининг матбуот хизмати раҳбари:

— Ҳозирги кунда ОАВ вакилининг судда қатнашиш борасида бирон-бир процессуал ҳуқуқ ва мажбурия-

Бироқ амалдаги процессуал қонунчилик ОАВ вакиларини иш ҳужжатлари билан танишиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасига киритмайди. Бу масалани имкони борича тезроқ ҳал қилиш зарур.

Шундан кейин марказ директори Эркин Абзалов бир ҳафта мобайнида Бош прокуратуранинг Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш марказида малака оширган вилоят прокурорларининг ҳуқуқ тарғиботи бўйича ёрдамчилари, вилоят ҳуқуқ-тартибот органлари муассислигида чоп этилаётган ҳуқуқий газеталарнинг муҳаррир ва муҳбирларига сертификат топширди. Фурсатдан фойдаланиб уларнинг кўнглида кечаётган ўйлар билан қизиқдик.

Саида АҲМАДЖОНОВА, Андихон вилояти ҳуқуқ-тартибот идораларининг «Qonun yo'lidagi gazetasi» бosh муҳаррири:

— Менимча, шундай семинарларнинг тез-тез ўтказиб турилиши журналистлар учун фойдалидир. Семинар бизни ижодий изланишга чорлайди. Бу ерда Бош прокуратура ходимларидан Светлана Ортиқова, Мухтор Шодмонов, Рамазон Пўлатов, Шўхрат Икромов ва тележурналист Муаттар Асқарова, Жўра Бобо-



ди. **Холиқназар ЖўРАБОВЕВ, Фарғона вилоят прокуратурасининг «Adolat yo'li» газетаси бosh муҳаррирининг ўринбосари:** — Бугун қонуний ҳуқуқларини билмаган фўқарога қийин. Журналист эса ҳуқуқ илмини билибгина қолмай, халққа ўргатувчи ҳамдир. Айниқса, биз каби ҳуқуқий газеталар-

Иброҳим Фафуров билан бўлган мулоқот жуда манзур бўлди. Қонунларни содда тилда элға етказиш ҳуқуқий нашрлар олдидан турган вакифалардан бири. Бугунги кунда улар бу борада самарали ишларни олиб боришмоқда.

Фозил МАМАШАРИПОВ, «Ниқуқ» муҳбири. А.ТўРАЕВ олган суратлар



ER-XOTINNING MAJBURIYATI

Men 1997 yili uchinchi tugatib, kursdoshimga uylanganidim. 2003 yilning may oyiga qadar yaxshi yashadik. Lekin birinchi farzandimiz tugilgan munosabatlarni...

R.ZOKIROV, Qashqadaryo viloyati

Agar sobiq turmush urtoingizga taъminot berish majburiyati uring mehnatga qobiliyatsizligi ekan urtdaagi farzandning uch...



WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

«HUQUQ» MASALAHATLARI

XODIMLAR ETISHMAGANDA...

Men shifoxonaning kadrlar bulimida ishlayman. Xodimlarimiz soni uch yuzdan oshadi. Shu sababli bazon yangi qabul qilinaётган қонунлар...

L.SVESHNIKOVA, Chilonzor tumani

Mehnat kodeksining 79-moddasi qarindosh-urug'larini davlat korxonasida birga xizmat qilishini cheklaydi. Biroq Vazirlar Mahkamasining...

QONUNIY KAFOLAT

Fermer xujjaligi faoliyatini vakolatli organlar tomonidan qanday holatlarida tekshirish mumkin? Agar fermer uz huquqlarini...

N.A.ZAMOV, O'zbekiston tumani

Fermer xujjaliklari faoliyatini qonunda belgilangan asoslar mavjud bulgandagina tekshirish mumkin. Jumladan, «Fermer...

Murojaatningizga kelmas, ari-zani qabul qilgan organ qonunda belgilangan muddat ichida murojaatningiz yuzasidan qanday chora...

HARBIYLARNING IMTIYOZI

Men hozir mudavlati xarbiy xizmatini utaylaman. Eshitimshimcha, xarbiy xizmatdan qaytganlariga oliy ukuv yurtiga...

Sh.BARATOV, harbiy xizmatchi

AGAR TAN OLMASA...

Men 2002 yilning avgustida ishga kirgandim. Bir yildan utib hech bir sababsiz shidan boshlab yoborishdi. Noxaqlik bulganligi uchun sudga murojaat...

K.SHARIPOV, Samarqand viloyati

Vazirlar Mahkamasining 1994 yil 3 oktyabr kuni «Muddatli xizmat xarbiy xizmat-chilariga va ularning oila aъzolariga kushimcha imtiyozlar...

Agar sud sizni ishga tiklash tufgrisida qaror qabul qilgan bulsa, demak korxonaxarbari uni baxarishga majbur. Binobarin, sizning urningizda ishlaётган ходимни...

SUDLANGAN ISHCHI

1992 yili ehtiётсизлик oqibatida jinoiat sodir etgandim. Sud menga nisbatan bir yilga axloq tuzatishi ishi belgiladi. Jazoni tuluq utadim va utgay davr ichida biron marta...

Z.ORTIQOV, Samarqand viloyati

Agar siz murojaat etgan korxonaxona, muassasa ekan tashkilot sudlanganligini ishga olishga rad etishda asos qilib olgan bulsa, bu xususda sudga murojaat etishingiz lozim. Chunki bu bilan...

AYVDOR XODIM

Korxonada kompyuterda ishlab, shu korxonaga tegishli bulgan eъuv ekan nuxsalarni chikaradigan muvofiq nisbatan «Jinoiat kodeksi»ning 182-moddasi muvofiq, yani bojhona tufgrisidagi qonunlarini buzganlikda ayblab, javobgarlikka tortish...

Sh.OCHILOV, Qarshi shahri, Mahtumquli mahallasi

Agar xodim JKNing 182-moddasida nazarda tutilgan hatting deklaratsiya sodir etgan bulsa, uni shu modda bilan javobgarlikka tortilishi tufri buladi. Chunki mazkur moddaning dispozitsiyasida «Bojhona tufgrisidagi qonun hujjatlarini buzish deganda, «bojhona nazoratini chetlab ekan bojhona nazoratidan yashirib eъud bojhona hujjatlarini va votsitalariga uхshatib asalgan hujjatlardan aldash yuli bilan...

foydalanган holda ekan deklaratsiyasiz eъud bosqcha eъzilgan deklaratsiyadan foydalanib, tovar ekan bosqcha qiymatliklarni kufn miqdorda Uzbekiston Respublikasining bojhona chegarasida utkazish» hatting-xarakterlarini sodir etish nazarda tutilgan. Lekin shaxsi JKNing mazkur moddas bilan javobgarlikka tortishdan oldin u shunday qilinishi uchun avval maъmuriy javobgarlikka tortilgan...

QIMMATGA TUSHGAN TO'Y

Yaqinda qarindoshimizning tufya boranida bir notanish yigintining noъrin harakati tufyayli u bilan janjallashib qoldim. Oxiri tortishuvimiz muhtashuv bilan tugadi. Meni haqorat qilib urgani uchun kuzishib ketib uning uzini qattiqroq urib kufyibman. Natijada u un kundun ortiq vaqt kasalxonada davolanib chikdi. Men qilinishimdan puшаймон bulib uning holdan habar olib turdim. Advokat bilan maslahatlashsam, ushu qilmishim JKNing 105-ekan 106-moddasi bilan kvalifikatsiya qilinishi va uch yilgacha ozodlikdan mahrum qilish jazosiga tortilishim mumkin ekan. Ollam va mahalla oldida sharmanda bulib janoiy javobgarlikka tortilmaslik uchun nima qilmas buladi?

Sh.LATIPOV, Farg'ona viloyati

Buning ikki yuli mavjud. Birinchisi, sodir etilgan qilmishda aybisizligingizni isbotlash. Chunki sizning hatting-xarakteringiz zaruriy mufofaa chegarasidan chikmaganda sodir etilgan bulishi ham mumkin. Ikkinchisi esa agar hatting-xarakteringiz JKNing 105-moddasi 1-qiism (kasddan badanga urtacha shikast etkazish), 106- (kuchli ruhiy haъjonlanish holatida kasddan badanga ogir ekan urtacha ogir shikast etkazish) modda, 107-modd (zaruriy mufofaa chegarasidan chetga chikib, kasddan badanga ogir shikast etkazish), 109- (kasddan badanga engil shikast etkazish) kabi moddalalar bilan kvalifikatsiya qilinsa, jabrlanuvchi bilan yariash yuli bilan javobgarlikdan ozod bulishingiz mumkin.

XUSUSIY VRACH BO'LISH UCHUN...

Toshkent Davlat tibbiёт institutida taъsil olaylaman. Kelgusida yaxshi nevropatolog vrach bulmoqchiman. Shu bilan birga kelajakda xususiy vrachlik faoliyatini bilan shugullanish rejalarim ham yufk emas. Buning uchun nimalar kerak va qarera murojaat etish lozim?

N.ORTIQOV, Toshkent shahri

Xususiy vrachlik faoliyatini bilan shugullanish uchun vrachlik diplomini olgan tanlangan ixtisoslik bуйincha kamida besh yil ishlaishingiz lozim. Undan keyin mahalliy davlat organlaridan rufhatdan utishingiz va xususiy vrachlik faoliyatini bilan shugullanish huquqini beruvchi litsenziya berishni surab sog'likni saqlash vazirligi huзуridagi maъsus komissiyaga murojaat etish kerak. Bunda Vazirlar Mahkamasining 1994 yil 21 iyoldagi «Yaka tartibdagi vrachlik faoliyatini (xususiy vrachlik faoliyatini) tufgrisidagi qonuniga muvofiq, ushu faoliyat bilan shugullanishga ruxsat berish tufgrisidagi arizas, hokimlikning rufhatdan utkazish tufgrisidagi qarori nusxasi, hududiy sanitariya-epidemiologiya stantsiyasining binolarining sanitariya-gigiена талаblariga mosligi tufgrisidagi xulosasi, vrach sifati, ishlaётган davolash muassasasi tibbiy KenGashining qarori ekan attestatsiya komissiyasining qarori asosidagi viloyat sog'likni saqlash bosqchamasi uchun imtixonmasi, vrachlik diplomini nusxasi, davlat poшlinasini tulanганligini tasdiqlovchi kvitanatsiya nusxasi taъdim etilishi lozim.

bu bulishi lozim. Ikkinchi savolningizga keladigan bulmas, har qanday toifadagi xodimlarining baxarishi lozim bulgan vazifalari u bilan tuzilgan mehnat shartnomasi, jamoa shartnomasi ekan uша tashkilotning faoliyat yunalişidan kelib chikib undan yuqori turuvchi idora tomonidan tasdiqlangan yufriqchona bilan mehnatda oid qonun hujjatlarini doirasida belgilanadi.

ТАҚДИР СОҶМОҚЛАРИ

Малоҳатга аёлнинг кўриниши шубҳали туюлди: кўзлари бежо, ранги совуқ.

— Кечирасиз, сиз телефон қилганмидингиз?

— Ҳа, мен, — деди аёл русчалаб, — сизга қамоқдан салом айтиб юборишди. Шунингга ётказмоқчи эдим.

Малоҳат доврираб қолди. Аёлга «бу нима деганингиз, тушунмадим» дегандай қаради.

— Нима, русчага тушунмай-сизми? — деди аёл кулимсираб, — Малоҳат сизми ўзи?

— Шундай-куя, лекин...

— Нима кераги бор билмасликка олишининг? Менинг эрим қамоқда, ўтган ҳафта олдида боргандим. Зафар деган болакай эрим билан бирга экан, сизга телефон қилишимни ва манави хатни бериб кўйишимни илтимос қилган эди. Қамалган одамни дарров эсдан чиқариб юбориш яхшимас.

— Зафар қамоқда?! Нега қамалади?

— Ие, ҳали унинг қамалганидан бехабарман ҳам дерсиз? — аёл шундай деб ўзича гижиниб кўйди. Нар кета бошлади.

— Шошманг, хатни беринг-чи.

Аёл унга бир парча қоғозни узатди. Малоҳат шоша-пиша хатни ўқий бошлади. Қингир-қий-шиқ, чаласаводларча ёзилган номани амаллаб ўқиб, шунинг тушундики, Зафар ҳақиқатан ҳам қамалган. Хатда ҳаляма уни севишини, соғиниб кетгани, йўқлаб келса боши осмонга етишини маълум қилганди. Хат мазмунидан эса, унга хатни етказган аёл орқали «передача» юборишни кераклигини тушунган Малоҳат сумкасида пул чиқариб аёлга узатди.

— Бу нима? — деди аёл тўнғ овозда.

— Унга бериб кўярсиз...

— Тушунмадингизми, у сиздан пул эмас, «передача» сўраётган.

— Шу пулга ўзингиз у-бу нарса сотиб олиб бора қолинг.

— Менга шу етмай турувди. Қанақа аёлсиз ўзи, севгилингизни бир бориб кўрмаганингиз етмагандай, майда-чуйда бериб юборишга оғир қиласиз?! Уни севасизми ўзи?

Малоҳат «у ҳеч қанақа севгим эмас, шунчаки танишим, менинг бошимда эрим бор» демоқчи бўлди-ю «Шунга гапирдим нима-ю, гапирмадим нима» дегандай индамай кета бошлади.

— Хўш, эртага борганимда Зафарга нима деб кўяй? Сени унутиб юборибди, бошқасини топибди дейми?

Малоҳат тўхтади, ортга қайрилиб:

— Эртага... Борасизми яна? — деди «қамоқхонага» дейишга тили бормай.

— Мен сизга ўхшаганлардан эмасман, — деди аёл салмоқлаб.

— Юринг бўлмаса, — Малоҳат аёлни савдо расталари томон бошлади.

Малоҳат шу билан Зафардан кутулдим деб ўйлаган эди. Лекин адашган экан: бир-икки ой ўтиб бир нотаниш йигит унга телефон қилиб, Зафарнинг номидан салом айтди.

Малоҳат «унгаям салом айтиб қўйинг» деб тубрбани кўйиб кўйди. Зум ўтмай йигит яна телефон қилди:

— Сиз гапимни охиригача эшитмадингиз, Зафар ўн минг пул бериб юборишингизни айтганди.

Бироз ўйлаб қолган Малоҳат:



— Бўпти, пулни сизга қандай етказишим мумкин? — деди «шу билан сенлардан кутуламанми» дегандай қилиб.

— «Чилонзор» метросидан чиқаришда, соат роппа-роса 12 да сизни кутаман...

Биргина ноҳўя қадам инсон ҳаётини остин-устун қилиб юбориши ҳеч гап эмас экан. Малоҳат ёшгина, кўркам йигитча билан шунчаки, йўл-йўлакай танишуви бу қадар жиддийлашиб кетишини ўйламаган эди. Дастлаб ҳали йигирмагаям тўлмаган йигитнинг куйиб-пишиб айтаётган муҳаббат изҳорларига бепарво бўлди. Шунинг баробарида унга бироз рўйхушлиқ битдиргандай бўлди. Бу билан йигитнинг юрагидagi ишқ олови янаям гуриллаб ёнаётганидан ўзича завқланиб, унга бир эрмақдай қаради. Тез-тез жанжал чиқариб, калтаклаб турадиган эрига ҳиёнат қилиш хаёлига келмаса-да, бу эрмақ унга хуш ёқар, сарғузашлари каттагина муаммо туғдиришини тушунганида эса кеч бўлган эди.

Зафар қамалиб ҳам унинг таъқиблари тугамади, қайтанга ортиб кетди.

Бир кун нотаниш киши телефон қилиб, Зафар уни кутаётгани, яқин кунлар ичида қамоқхонага уни кўришга бормаса бўлмаслигини айтганида Малоҳат тузоққа тушганини тушунди. Ёлгон ишлатди: «Эрим уриб, оёғимни сандирди, уйдан чиқолмайман...».

Орадан бир йилча ўтиб, унга Зафарнинг ўзи телефон қилди. «Қамоқдан чиқдим, кўришайлик» деганида Малоҳат нима қилишини билмай қолди. Ноилож, Зафар айтган жойда у билан учрашди. Йигитнинг гаплари йиғилиб қолган экан, анча қолиб кетди.

Шундан кейин деярли ҳар кун Зафар унга телефон қиладиган бўлди. Телефондаги соатлаб гаплашишлар, «ошиги»нинг телбаларча севги изҳорлари Малоҳатга олдингидай хуш ёқмас, қайтанга ваҳимага соларди. Энди чидашдан бошқа йўл йўқ эди.

Янги йил кечаси Зафар байрам баҳона унинг уйига кириб келди. Бу қадар сурбетликни кутмади Малоҳат шошиб қолди. Яхшиямки, эри рашқчи одам эмас, хотинининг «таниши»ни яхши кўтиб олди, чақ-чақлашиб ўтирди. Ёшгина йигитнинг хотинига ошқ бўлиб қолгани унинг хаёлига ҳам келмади. Тўғрироғи, бундай ўйни ўзига маъқул топмади.

Ўртада болалари бор, қолаверса хотинининг ноҳўя қадами борлигини шу пайтгача сезмаган. Афсуски, «ошиқ йигит» бу ишонччи суиистеъмол қила бошлади. Имкон бўлди дегунча Малоҳатга тазийқ ўтказарди.

— Эрингиз билан ажрашинг, барибир у бир кун ҳаммасидан хабар топади.

— Жиннимисиз, ажрашсам нима бўлади, ўйлаб гапиринг.

— Бошқа бундай юрولмайман, сизга ўйланаман. Тушунинг, сизсиз яшолмайман. Қамоқда ҳам фақат сизни ўйладим...

— Қанақа одамсиз, ўзи? Болаларимни тирик етим қилмоқчимисиз? Мен нима деган одам бўлман?

— Болаларингизга ўзим оталик қиламан. Қасам ичаман, бахтли яшаймиш.

— Зафар, ўйлаб иш қилинг! Ўйланаман десангиз сизга қиз йўқми? Тополмаётган бўлсангиз, топиб берай тенгингизни. Мен ўттиздан ошган бўлсам...

— Севги ёш танламайди. Менга сиздан бошқаси керакмас. Бугун кечқурун эрингизга ўзим айтаман.

— Нимани айтасиз? — Малоҳат унинг авзойидан хушёр тортиди.

— Сизни севишимни айтаман.

— Кўйсангиз-чи, Зафар. Ҳали нечтасини учратиб, нечтасини севасиз. Оиламни бузмаг, илтимос. Бир умр дуонгизни қилай, фақат оиламни бузмаг.

— Узингиздан кўринг. Огоҳлантириб қўяй, эрингизга икки йилдан бери бошимни айлантириб, мени умидвор қилиб юргангизни айтсам, ўзи сиз билан ажрашадим. Ушанда менга хотин бўлмай иложингиз қолмайди.

Малоҳат унинг бу даражага боришини кутмаган эди.

— Хали шу даражада ошқиман де! Йўқол, бошқа кўзимга кўринма!

Шу воқеадан кейин Зафар гўё сояга айланди. Сояга айлангани шуки, Малоҳатга ҳар қадамда эргашиб юрадиган бўлди. Унинг ўзини туттиши соғ одамнигина ўқишмасди. Бундан ростакамига ваҳимага тушган Малоҳат ундан ўзини олиб қочадиган бўлди. Зафарнинг таъқиб эса кучайгандан кучайди. Шўрлик аёл милицияга айтай деса, гап-сўздан

кўрқади. Эрига айтса ҳаммаси тамом. Ноилож қолди. Лекин уззукун унга қамалиб ўтиришининг ҳам иложи йўқ.

Малоҳат онасиникига меҳмонга борганига пушаймон бўлди. Қанчалар пайдо бўлган Зафар томоша кўрсатди. Йўлақда ўтириб олиб Малоҳатга «мен билан кетасан» деб туриб олди. Фойдаси бўлмади. Тақсичига кира ҳақини тўлашга келганда Зафар яна хунар кўрсата бошлади: лезвия билан қўлини тилиб юборди. Бу манзаранинг гувоҳи бўлган тақсичи йўлқирадан ҳам кечиби, жўнаб қолди. Малоҳатнинг:

— Бўлди, Зафар, жиннилик қилаверманг. Энди уйингизга жунанг, — деган гапи оғзида қолди.

— Жинни экансиз-ку, — деди у ашиқни қарс ёлиб ичкарига кириб кетди.

Зафарнинг жазаваси тутди. Шу пайтгача кўрсатган хунарлари ҳолва экан: йўлақдаги дераза ойнасини қўли билан уриб синдириб, синган шиша парчаларини қарс-курс қилиб чайнай бошлади. Турган гап, участкага хабар қилишди.

Мундирдаги участка нозирга кўзи тушган Зафар юқорига — 9-қаватга қочиб чиқиб, «яқинлашсанглар ўзимни пастга ташлайман» дея пўписа қилди. Бирок, участка нозир элчиллик қилиб уни ушлаб қолди, етиб келган «псих-бригада» йигитлари уни олиб кетишди.

Айтишларича, севги ақлга таянса мазмунни йўқоқлар эмиш. Нотўғри тушунча. Одамзотга ақл берилган экан, унга асосланмаган ҳар қандай хатти-ҳаракат ёки туйғу мазмунсиздир. Яъни, ақлга буйсунмаслик адашишдан, жиноятдан бошқа нарса эмас.

Ошиқ ролини ўйнаётиб ҳаддидан ошиб кетган Зафар ҳам ақлга буйсунини эп кўрмади.

Эртаси кун онасиникидан қайтаётган Малоҳат яна Зафарга дуч келди. Рўҳий касалликлар шифонасидан ҳеч қандай касали йўқлиги боис руҳсат бериб юборишган Зафар бу сафар ўзини

сипо тутди. Унинг жиддий туриб, «илтимос, гаплашиб олайлик» деганига кўнган Малоҳат у билан кафеда узок гаплашди. Ўзича насихат қилган бўлди. Фойдаси бўлмади: Зафар қўлидаги стакани бир четидан тиши билан ушатиб, чайнай бошлади... Ваҳшимага тушган Малоҳат уни алдаб-сулдаб кўчага олиб чиқди. Тақсичи тўтиб, уйи яқинига келиб тушишди. Тақсичига кира ҳақини тўлашга келганда Зафар яна хунар кўрсата бошлади: лезвия билан қўлини тилиб юборди. Бу манзаранинг гувоҳи бўлган тақсичи йўлқирадан ҳам кечиби, жўнаб қолди. Малоҳатнинг:

— Бўлди, Зафар, жиннилик қилаверманг. Энди уйингизга жунанг, — деган гапи оғзида қолди.

Зафар лезвияни унинг томоғига тираб:

— Сизни шундай кўйиб юбормайман, ҳеч бўлмаса манави занжир менга сиздан эсдаликка қолсин, — дея Малоҳатнинг бўйнидаги тилла занжирга ишора қилди.

Шу пайт яқин келиб қолган икки нотаниш йўловчининг ҳай-ҳайлаши уни шошириб қўйди. Йигит Малоҳатнинг бўйнидаги занжирини шартга юлиб қочиб қолди. Малоҳат шу пайтгача ичига ютиб келган аламлари-ю, тилла занжир воқеасини айтиб милицияга арз қилди. «Ошиқ» йигит суд ҳукми билан жазосини олди.

Айтганча, Зафар судда ҳам ошиқ ролини ўйнамоқчи бўлди: «Менинг битта-ю битта айбим — Малоҳатни севганим», — деди ўзини оқлаш учун. Бунга изоҳнинг ҳоҳати бўлмаса керак.

Бу воқеани баён қилиш осон кечмади: ахир соппа-соғ, нақирон йигитнинг галати, ҳеч бир қолига сизгайдиган қилиқларини таърифлаш ҳеч кимга завқ бағишламаса керак.

Жиноят, у қандай кўринишда ва қим томонидан содир этилмаганди, барибир жиноят. Жиноят эса жазосиз қолмаслиги шарт.

Гулчехра РЎЗИЕВА,
Сержели туман прокурори
ёрдамчиси

TARIXDAN TARIQCHA

Португалия, 1925 йил. Ушбу мамлакатда урушдан кейинги йиллардаги аҳволни ҳеч иккиланмасдан жуда ёмон дейиш мумкин. Европа давлатларининг биринчи жаҳон уруши якунларига асосланган иқтисодий депрессияси (йирик монархияларнинг парчаланishi, чегара ва таъсир зоналарининг қайта тақсимланиши, инқилоб ва фуқаролар урушларининг уланishi кетиши, аҳоли миграцияси, деярли барча йирик валюталарнинг кучсизланиши ва ҳ.к.) унча катта бўлмаган ушбу аграр мамлакат ҳаётида бевосита акс этар эди. Импорتنинг экспортдан узлуқсиз ва сезиларли равишда ортиб бориши, ишлаб чиқаришда инвестициянинг мавжуд эмаслиги, бюджетдаги тақчиллик, олтин-валюта захираларининг камайishi иқтисодий ҳалокатдан дарак берарди; иқтисодий зиддиятларнинг чидаб бўлмас даражага келганлиги сиёсий ҳалокатни келтириб чиқариши мумкин эди.

бошлаб мамлакатнинг турли чеккаларидан Португалия банкига, газета тахририятларига муомалада жуда кўп миқдорда янги 500 эскудолик пуллар пайдо бўлгани ҳақида маълумот туша бошлади. Ушбу қийматдаги пулларнинг муомалага киритилганига 4 йилдан ошган бўлиб, шундан буён асосан йирик пуллар чиқарилаётган эди.

Қоғоз пулдан самарали фойдаланиш вақти маълум (ўртача 6-8 ой), Португалия банки мутахассислари ҳам улар-

ши сохта пул ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатди.

Ишончсизликка барҳам бериш мақсадида давлат банки раҳбарияти расмий баёнот билан чиқишга мажбур бўлди ва у 1925 йилнинг 6 май кунини газеталарда чоп этилди: «Португалия банки маъмурияти оммага шунини маълум қиладики, муомалада 500 эскудолик сохта пуллар пайдо бўлган деган миш-мишлардан хавотирланишга ҳечқандай асос йўқ». Шундан сўнг банкнотларга ишонч тўлиқ тикланди.

1925 йилнинг ёз ва кузи шу тарзда ўтди. 4 декабр кунини Португалия банки бошқарувчиси Комача Родригес қабулга ёзилган кичикроқ хусусий банк соҳибни Н.Конделсни хузурига қорлади. У эса ўзининг миқозини, портуликқандайдир заргар

тирилган эди. Чунки Португа ҳақиқатан ҳам сохта пулларни муомалага киритиш канали мавжуд бўлса, маҳаллий бошқарув органлари ва полициячилар орасида жиноятчиларнинг ҳомийлари ҳам бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Португалия кичкина мамлакат; 5 декабр куниниёқ, Португа етиб келган терговчилар томонидан шубҳали заргар сўроқ қилинди. Сўроқ кетаётган бир пайтда унинг уйида тинтув



Анголага

аталган пуллар

Европада энг қадимийлардан ҳисобланувчи португал зодагонлари орасида гурӯҳбозлик авж олган, ҳозир биз сиёсий элита деб атайдиган қатлам ҳукумат билан ҳокимият учун кескин кураш олиб борарди.

Оқибатда урушдан кейинги 7 йил мобайнида 3 марта президент ва 26 марта ҳукумат алмашинуви рўй берди. Мамлакатдаги аҳволни тасаввур қилиш учун шунини айтишнинг ўзи етарлики, Португалия Вазирлар маҳкамасини Виктор Хуго деган киши бошқарган 44 кун мобайнида миллий валюта — эскудо 4 баробардан кўпроқ қадрсизланди. Бош вазир Фернандес Коште эса ҳукуматни ва мамлакат иқтисодий ҳаётини атиги 6 соатгина бошқарди: 1920 йил 16 январь кунини кундузи соат 11 да вазифасини бажаришига киришиб, соат 17 дан ўтганда истеъфого чиқди.

Буларни эшитган одам сиёсат ҳақида латифа тинглаяман деб ўйлаши мумкин. Аммо бундай сиёсий ўйинларнинг мамлакат иқтисодиёти ва молия тизимига таъсири жуда хунук эди.

1920 йилнинг декабр ойида португал эскудосининг қадри АҚШ долларига нисбатан 1910 йилнинг декабридагига қараганда 20 баробар пасайиб кетди. Курснинг пасайиши асосан 1918 йилдан кейинги вақтларга тўғри келади. Масалан, 1918 йилнинг декабр ойида 1 фунт-стерлинг 8,1 эскудога тенг бўлган бўлса, 1923 йилнинг ёзига келиб унинг баҳоси 105 эскудога ошиб кетди. Бу пайтда фунт-стерлингнинг ўзи бошқа валюталар (асосан АҚШ доллари)га нисбатан қадрсизланганини эсдан чиқармаслик зарур. Асосан хусусий шахслар қўлида бўлган Португалия банки бюджет танқислигини молиялаш йўлидан борди. 1887 йилдан банк танҳо пул чиқарувчи ҳужжатдан фойдаланган эди. Тез-тез алмашиб турган ҳукуматларнинг таъйини билан у бу ҳужуддан беармон фойдаланди. Банка тегишли зарбона тобора ўсиб бораётган нақд пулга бўлган эҳтиёжнинг қондира олмай қолди ва 1920 йилдан бошлаб қоғоз пул босиб чиқариш учун хоржий компанияларга йирик миқдорда буортмалар берилга бошланди.

Банкнотларнинг қиймати ҳам ошиб борди. Муомалада майда пуллари учратиш қийин бўлиб қолди, уларнинг ўрнига қийинли 500, 1000, 5000 эскудоликлар пайдо бўлди.

1925 йилнинг феврал ойидан

нинг ўрнига янги партияни қачон муомалага киритишни яхши билишар эди. Пугурдан кетган ёки фойдаланишга яроқсиз банкнотларни янги сиёсий билан йўл-йўлакай алмаштиришда ҳам уларнинг нақд пулнинг умумий ҳажмидаги миқдори мейёрдан ошиб кетмаслиги керак. 1925 йил феврал ойида 500 эскудолик янги купюраларнинг муомалада пайдо бўлиши яроқсиз банкнотларни режага биноан алмаштириш вақтига ҳам, қўламага ҳам тўғри келмас эди. Бир-биридан хабарсиз ҳолда кўпчилик 500 таликлар хаддан зиёд кўпайиб кетмадимикан деган хаёлга бора бошлади. Оқибатда мамлакат бўйича 500 эскудолик пулга умумий ишончсизлик пайдо бўлди. 1925 йил 4 март кунини эс берган вожеда бу очкидан-очки намоён бўлди.

Шу кунини Португалия банкининг Брага шаҳридаги бўлими ходимлари бир неча соат мобайнида ҳар хил миқозлардан таҳи бузилмаган бир неча пачка 500 эскудолик пуллари қабул қилиб олишди. Бундай қийматдаги пулларнинг охириги йирик партияси 1922 йили муомалага киритилганини билганлари учун улар пачкаларнинг шу пайтгача бузилмай сакланганига шубҳа билан қарашди. Аниқланишича, миқозлар пулларни бир кишидан — қандайдир Адриано Силва деган йирик савдогардан олишган экан.

Зудлик билан полишияга хабар қилинди ва кўп ўтмай А.Силва сохта пул чиқаришда гумон қилиниб ҳибсга олинди. Полициянинг тезкорлиги ва банк хизматчиларининг топқирлигига қарамай операциядан қутулган натижа чиқмади. Экспертиза барча банкнотларнинг ҳақиқийлигини кўрсатди.

Бироқ сохта пул ҳақидаги миш-мишлар йўқолмади. Аксинча, ишончсизлик шу даражага етдики, баъзи банк ва ташкилотлар 500 эскудолик пуллари қабул қилишдан бош торта бошлади. «Қора бозор» ва алоҳида одамлар ҳақида-ку гапирмаса ҳам бўлади. Аммо Португалия банки экспертларининг муомаладаги пуллари танаб-танаб тегири-

ҳақида гапириб берди. Заргар мунтазам равишда валюта алмаштириш пунктига келиб Британия фунт-стерлинги ва АҚШ доллари сотиб олар ва ҳақини асосан яп-янги 500 эскудолик пулда тўлар, жаноб Конделсинг банкдаги депозитига ҳам кўпинча шу қийматдаги пуллари келтириб қўяр экан.

Бу гаплардан сўнг кўнгилда шубҳа уйғонмаслиги мумкин эмас эди. Уч йилдан зиёд вақт мобайнида Португалия банки 500 таликларнинг янги партиясини чиқармади. Яроқсиз пуллари алмаштириш учун йўл-йўлакай чиқарилган банкнотларнинг бир киши қўлида тўлганини тасаввур қилиб бўлмасди. Муомалага киритилган пулларнинг шунча вақтдан бери пачкаси бузилмай сакланиши ҳам тасаввурга сиғмасди. Чукур инфляция шариоатида бундай катта миқдордаги пулни сандиққа яшириб, ҳаракатсиз қолдириш учун киши шунчаки аҳмоқ бўлиши лозим эди.

Португалия банки бошқарувчиси олинган ахборотнинг муҳимлигига тўғри баҳо берди ва хабарни зудлик билан Лиссабон шаҳар криминал полициясига етказди. 1925 йил 5 декабр куниниёқ жуда катта ваколатлар берилган тергов гуруҳи Порту шаҳри томон йўлга тушди. Гуруҳ бошлиғи Адлия вазиригининг юксак мартабали ходими, жиноят ишлари бўйича катта судья, юриспруденция доктори Дирейто эди. Ваколатига қўра у хар қандай тинтув, ушлаб туриш, ҳибсга олиш, ёзишларнинг ўқиш, ҳисоб-рақамлар ва пуллар ҳаракатини тўхтатиш, ҳужжатларни олиб қўйишга санкция бера оларди. Буларнинг барчаси зарур ҳақратларни амалга ошириш учун маҳаллий бошқарув органлари ва судларга мурожаат қилиб вақт кетказишнинг олдини олишга қаратилган эди. Полициянинг тезкорлиги гуруҳга Португалия банки инспектори Кампоз-э-Са, сохта пуллар бўйича эксперт Педросо киритилди. Гуруҳнинг тарқиб ва ваколатлари ҳужукни муҳофаза қилувчи маҳаллий органларни жалб қилмасдан терговни тез ва соз ўтказишга йўнал-

ўтказилди. Бухгалтерия дафтарларини юзакли ўрганишнинг ўзиёқ, даромадларни яшириш мақсадида сохта ҳисобот юритилганини кўрсатди; лекин тинтувнинг асосий натижаси бошқа нарсада акс этди: заргар кўп пулини «Ангола ва метрополилар банкнинг» маҳаллий бўлимида саклашни аниқланди. Ушбу банк бошқарувчиси эса 1925 йилнинг бошидаёқ худди шу шубҳа билан ҳибсга олинган Адриано Силва бўлиб чиқди.

Заргар билан ишлаган валюта алмаштириш пункти эгаси ушларнинг, сўроқ қилинди. Бундан ташқари шундоқ кўчанинг ўзида А.Силва ҳибсга олинди. Тергов суръатини пасайтирмастик ва эҳтимол тутилган жиноят изларининг йўқотилишига йўл қўймаслик мақсадида судья Дирейто «Ангола ва метрополилар банкнинг» Порту шаҳридаги биносида тинтув ўтказиш тўғрисидаги ордерга имзо чекди.

А.Силва сўроқ қилинаётган бир пайтда тергов гуруҳининг баъзи аъзолари банкда иш олиб боришди. 1925 йил 5 декабрдан 6 декабрга ўтар кечаси банк омбори очилди. У ерда терговчилар 500 эскудолик 40 пачка янги банкнотлар — жами 4000 та қоғоз пул мавжудлигини аниқлашди.

Португалия банкининг эксперти Педросо шу ернинг ўзидаёқ текшируви бошлаб юборди. Унинг хулосасидан полициячиларнинг ҳафсаласи пир бўлди: қанчалик шубҳали кўринмасин, топилад пуллар ҳақиқий экан. Булаётган воқеаларга аниқлик киритиши мумкин бўлган ягона тахмин ҳақиқатдан йироқдек туоларди: сохта пул ясовчилар (агар бундайлар чиндан ҳам мавжуд бўлса) босмахона пластанларини кўлга киритишган ва пул босишни йўлга қўйишган. Португалия банки экспертилари бу тахминнинг ҳақиқатдан йироқлигини исботлашга киришиб кетишди. 500 талик эскудо купюралари кўп рангли бўлиб, алоҳи-

да элементларни навбатма-навбат чукўр босма усулида чоп этиш йўли билан тайёрланган, бунда қирқилмаган варақлар усқунанинг иш столида жуда кам оралик билан joyлашган. Шу усулда, яъни зарбхонадаги барча операцияларни такрорлаш йўли билан пулни кенг қўламада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлмаган нарса эди. Ёки бунинг учун босмахона пластанларини ўтирилла камлик қиларди — хар жиҳатдан заводникига ўхшаш линияни қуришга тўғри келар эди. Бунинг устига полициячилар тасаввур қилган босма пластанлар ҳам мавжуд эмасди; ўнлаб клишадан иборат тўплам бўлиб, уларнинг хар бири банкнотдаги расмининг фақат бир қисминини акс эттирарди. Бир неча операцияни биттасига жамлаш йўли билан ишлаб чиқаришни осонлаштиришга бўлган уриниш (бу эса чукўр босма усулидан фойдаланмоқчи бўлган сохтакорлар олдидаги ягона йўл) расм қисмларининг мослиги ва ранглар йўғунлигида нуқсонларни келтириб чиқариши муқаррар эди. Текушидан 500 таликларда эса бундай камчиликлар йўқ эди. Шунга қарамай Португалия банки экспертларининг пластанлар ўтирилган деган полиция тахминига қарши асосий далили бошқа нарсада ифодаланар эди: улар бутун масъулиятни бўйнига олиб полиция департаментидаги ҳаммасобларни ушбу қийматдаги банкнотлар мамлакатда тайёрланмаганлигига ишонтиришди. 500 таликлар Британиядаги машхур «Waterlow & sons» фирмасида тайёрланар, клишалар жиноятчиларнинг қўлига тушиб қоллишни тасаввур қилиб бўлмасди. Тергов берк кўчага кириб қолгандай эди гўё.

(Давоми кейинги сонда).
Internet хабарлари асосида
Ҳасан НИШОНОВ тайёрлади





6'ALATI DUNYO

Хуқуқ оламидан хангомаалар

Хэйтнинг турли жабхаларида бўлгани сингари хуқуқ оламида ҳам кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган воқеалар бўлиб тураркан. Эйтиборингизга шулардан бир қанчасини ҳавола этмоқдамиз.

Каттами, кичикми, ақлга тўғри келадими, тўғри келмайдими, қатъи назар, ҳар қандай муаммони суд орқали ҳал этишга ўрганиб бўлган америкаликлар бу сафар бутунлай қуошқондан чиқиб кетди шекилли. Гап шундаки, ҳозирги кунда Америка қитъасидаги давлатлардан бирида Кебик лақабли бир кучукнинг иши судга оширилган. Уни барча қонун-қондаларга амал қилган ҳолда, ҳатто ишда қораловчи ва оқловчининг иштирокини тазминлаб суд қилишмоқчи. Итнинг айби унинг неқонуний тўғилганлигидайди. Айтишларича, унинг онасини эгалари билан бир ҳафталик ўрмон саёхатига чиққанда «маҳаллий бўри» билан ошиқ-мошиқлик қилган. Агар Кебик беҳосдан қўшинси, икки оёқлик жанобни тишлаб олмаганда, унинг

«отаси» ким бўлгани билан кимнинг неча пуллик иши бўларди, дейсиз. Аммо «жиноят содир этилган» врачлар Кебикни дарҳол ўн кунлик карантин хонасига қамашган. Бу ернинг қонунари бўйича эса ёввойи ҳайвонларни карантинда сақлаб ўтиришмайди, улар дарҳол йўқ қилиниши, яъни ўлдирилиши лозим. Энди Кебик омон қолиш учун ўз адвокати билан биргаликда бир амаллаб ўзининг итлигини исботлаши керак. Бу ҳам майли-я, судга чиқарган ҳужуми Кебикка ким таржима қилиб беради?



Канаданинг Варбург шаҳри судьяси Доналд Ли ажрашаётган эринг хотини билан қолаётган болалари ва... ит учун ҳам алимент тўлаши лозимлиги тўғрисида ҳукм чиқариб, тарих саҳифаларидан жой оладиган бўлди. Жаҳон юриспруденцияси тарихида ҳали бирон марта бундай ҳукм чиқарилмаган экан. Судянинг айтишича, «уй ҳайвонлари ота-оналари ажрашиб кетган болалардан ҳам кўпроқ азият чекар эканлар».

Судянинг ҳукмига кўра Варбурглик ҳайдовчи Кен Дункан энди ҳар ойда ўзининг собиқ хотинига кизи ҳамда сенбернар зотли ити учун маълум миқдорда алимент тўлаб боради. Қизиғи шундаки, ит учун тўланадиган алимент суммаси киз учун тўланадиган алимент суммасидан бир мунча кўпроқдир.



Яқинда ГФРнинг Регенсбург шаҳрида ўзига ҳос суд процесси бошланади. Қизиги шундаки, Блумхен (Гулгунча) лақаб-ли кичик бир кучука манъавий бузуқликда ҳамда фоҳишаларда айбланиб, иши судга оширилган. Уни Костерс фамилияли кекса эр-хотин ўтган йилги каровисиз қолган уй ҳайвонлари сақланадиган муассасадан олишган экан. Эркин турмуш тарзига ўрганган Гулгунча уйда, ўзининг кексайиб қолган эгалари олдига ўтиришни истамай, эртадан-кечгача кўча-қўйда

сайр қилар, қўшчиларнинг кўпаклари зиса унинг устида талашиб, кун бўйи қўшчиларнинг қўлоқ-миёсини қоқиб қўлига бераркан. Бундай «қундалик томошалардан» безор бўлган қўшчилар Блумхен (Гулгунча) ва эр-хотин Костерслар устидан шикоят қилиб, судга ариза беришган.

Костерслар суддан келган қақирқонномани олишганда, аввалига қимдир ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйлашди. Аммо тез орада ишнинг жиддий тус олаётгани маълум бўлди. Костерсларнинг фикрича, Блумхен ҳали ёш бўлганлиги сабабли, бироз «енгилтабиат, суюқбўрак» бўлиши мумкин, аммо ёши улғайган, эси кириб қолар. Аммо эр-хотин Костерсларга «қўшмачи» деб айб қўйилаётганлигига нима дейсиз?

Кебик воқеасига ўхшаш ишлар фақат Америкада эмас, Европада ҳам бўлган. Масалан, Ўрта асрларда ҳайвонларнинг жиноят субъекти сифатида эътироф этилганлиги маълум. Одамларни шохлаб (сузиб) ўлдирган хўкизлар, ёш болаларни гажиб ташлаган чўчалар осиб ўлдирилишига ҳукм қилинганлиги тўғрисидаги суд ҳужжатлари сақланиб қолган. Жумладан, 1710 йилда Францияда экинларга, галла майдонларига талафот етказганликлари учун сиқонлар ва каламушлар иши, 1740 йилда экинларни пайхон қилган сигирлар иши судда қўрилган ва уларга жазо тайинланган.

Матбуот хабарларига қараганда, мисс Дейзи лақабли чўчка боласи америкалик Синди Адамс хонимнинг уй ҳайвони дея расмий равишда тан олинди. Гап шундаки, Адамс хоним мактабда ўқитувчилик қилиб, бир неча йил аввал нафақага чиққанда, йўлчилар унга ушбу чўчка боласини совға қилишган. Шундан бери Дейзи Адамс хонимнинг уйда яшайди, болалар каравотчасида ўқийди. Ҳар кун бекаси билан сайрга чиқади. Олма, қарам ва шунга ўхшашан мева-сабзавотлар билан озиқланади. Корни тўтлар, тумшуги билан пианино чалади, уйкуга ётишдан аввал албатта ваннада «қўмилиб» олади.

Адвокати ёрдамида Дейзининг оддий чўчка эмас, балки ўта маданий атли чўчка эканлиги ва шу боис уй ҳайвони деган мақомага муносиб эканлигини исботлай олади. Айниқса, Дейзи тушлик пайтида мева ҳамда сабзавотлардан тановул қилгач, суд биносидаги хоналардан бирида турган пианинода «қўй ижро этиб бергач» судья уни уй ҳайвони дея эътироф этишга мажбур бўлди.

НамДУ талабаси С.ЮСУПОВ тайёрлади

VO, AJAB!




ВВС Newsning хабар қилишича, бир киши Австрия полициясига уйдаги рух устидан шикоят қилган. Ҳар тун уйдаги номаълум қадам товушлари, эшикларнинг очилиб ёпилиши ва баъзан кўриниб турадиган шарпа унинг тинч ухлашига ҳалақат бераётган эмиш. Аризачининг соғлиғи ўрганилганда унинг ақли расолиги ва руҳан соғлом эканлиги аниқланди. Шундан сўнггина полиция ариза билан жиддий шугулланишга киришди. Хоналарга ўрнатилган видеокамералар тунда сайр қилишни хуш кўрадиган «руҳ»ни биринчи кунгек аниқлаб берди. У полшалик 42 яшар аёл бўлиб қикди. Оқ чойшаб ёпиниб олиб уй эгасига тинчлик бериётган аёл уйдаги хизматкорлардан бирининг рафикасини бўлиб, у ҳам шу уйда истиқомат қилган.

Судхукмига кўра «ҳаваскор рух» уйдигиларнинг тинч ҳаёт кечирishiга ҳалақат бергани учун 6 ой қамоқ жазосига лойиқ деб топилди.

Аёлнинг бундай қилишига нима сабаб бўлганлиги ҳақида маълумот берилмаган.

ЧАЙНВОРД



Тузувчи: Фозил МАМАШАРИПОВ

НАҲВИЯ

Йил охираптаи. Ўтган йилнинг чамқо ва момақалдиқроқлари, довулу буронлари, қора булутли ҳамда мусаффо, оромбахш кунлари ўтмишда қолаптаи. Янги йил қандай кечаркин, оби ҳавоси қанақа бўларкин?
Якшанба. Эрталабдан ҳавонинг қоғоги солиқ. Ўртоғимиз Арслонбек кенжа ўлига хатна қилаптаи. Одам тумонат, бутун шаҳар кўчиб келгандай. У қўлидан келганча беминнат яхшилик улашади. Худди ҳозир тўртта дошқозонда ош дамлаб, тўра-ю бойваччалар қатори қўлиги очик, лекин қўли қалта бечораларгача улашаётгандай. Арслонбекнинг ёнида Жасурбек савлат тўқиб турибди. Унинг ишораси билан таширф буорайётган меҳмонлар тўртга ёки пойгакка ўтказилаптаи. Одамларнинг қайси табақга мансублигини баҳолашда ундан ўтадигани йўқ.

Ҳаммамиз бошимизни лиқиллатиб, унинг гапини маъқуллаймиз. Ош томоғимдан ўтмади. Ичгим келди. Бирок, наҳорги ошда арок келтиришни сўраш беадаб-ли. Ҳа майли, ҳали базмда тўйгунимча ичман. Бирок кечки базмда тўсатдан ҳаво очилиб, ароксиз ҳам дилим ўз-ўзидан равшан бўлиб қолди. Жасурбек баҳоси йўқ одам-да! Столга келиб ўтириб, даврани гуллатиб юборди.

ЯНГИ ЙИЛ «ОБИ ҲАВОСИ»

— Ассалому алайкум! Тўйлар кутлуг бўлсин!

Арслонбек одатдағидай самийи қўришди. Жасурбек қўлининг учини берди.

— Ҳа, юрибсанми табибман деб?..

— Табибмас, врач. Табиб десанг, чаламуллага йўйишади.

— Тўри-да, қорни оргриганга бошорғик дори буорганиндан кейин табибсан-да! Табиб ҳам эмас, қасосбонан! Қўричакнинг сенга операция қилдирмасдим. Қўричак қолиб, соғ ичагимни кесиб олсан...

Атрофдагиларни оғзига қаратиб қулдирди. Бошим узра қора булутлар қуоқлашди. Биламан, у билан тортишиб обрў топмайман. Шундай бўлса-да, ўзимни химоялашга уринаман:

— Пулига чидасанг, ана профессорлар, ташхисниям тўри қўяди, асорат ҳам қолдирмайди!

— Мен-ку бойман, раҳбарман, гапим ўтади. Сорти наслар

(Ҳажвия)

нима қилсин?!

Даврада гурр кулгу кўтарилиб, Жасурбекнинг нечоғли ҳақлиги яна бир қарра тасдиқланди. Момақалдиқроқнинг ҳиди келаяптаи. Янглишмабман.

— Профессорликка даввогарлик қилмаёсанми ишқилиб? — мени ерга ургани сари обрўси ҳаминқадар юксалаётган ўртоғим яна нозик жойимдан олади. — Бўласан, йўқ касаллиқни ўйлаб чиқариб бўласан!

Чақмоқ чақнади. Хайрият, жала ёғмасдан ўтиб кетди.

Жасурбекнинг «сотқаси» жиринглади.

— «Ласетти» шалдиқроқ арава-ю! «Мерседес»ни гаплашгин дедим-ку! Ундан бошқаси керакмас!

Худога шуқур, гап мавзуси ўзарда.

— Қиммат экан дейди, худди пулини чўнтагидан тўлаётгандай!

— Дўхтирларнинг орасида энг қўли энгли бу! — деди елкамдан кучиб.

— Аварияда бизнинг тойқоқнинг қўли синганда гипсини шу қўйган. Худди кўрмагандай бўп кетди!

Эрталабки қора булутлардан асар ҳам қолмади. Чақнақлашиб, яйраб ўтирдик.

— Эшитдингми, шанси нул дейишган одам — Омонулла депутатликка сайланбди! Аммо, буладиган йигит эди ўзим, — деди Жасурбек хайрлашаётиб. — Жиянни бизнинг номимиздан табриқлаб қўй!

Роса бош қотирдим, Омонулла деган жияним борлигини эслолмадим.

Барибир, сайлангани яхши бўлибди. Кўз тегмасин, янги йил «оби ҳавоси» анча илқ келадиганга ўхшайди. Тагин ким биларди...

Исроил ИБРОҲИМОВ

НУҚУҚ

yuridik gazeta

To'rs'ischi:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abduxolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahriiddin VALIYEV, Azimjon ERGASHEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), G'afurjon ALIMOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Hasan INOYATOV, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.

E-mail: Info@huquq.uz.

Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida № 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma № — 62. 18450 nusxada chop etildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV

Navbatchi A.MUSTAFOVA

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida oset usulida chop etildi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 2345678